Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура тушунчаларининг моҳияти, мақсадларини кенг халқ оммаси, энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлоднинг қалбига, онгига, турмуш тарзига сингдиришда табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий мероснинг аҳамияти катта эканлиги ҳозирги вақтда ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак. Зероки, юртбошимиз нутқ, маърузалари ва мубоҳасаларида миллий мафкурамизнинг фалсафий, маънавий асослари, илдизлари ҳақида, унинг такомиллашувида мозийдаги фалсафий, маънавий-ахлоқий фикрларнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб келадилар.

Илм-фан, фалсафий ва маънавий фикр тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар ва алломалар, давлат арбоблари бўлмиш Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Фарғоний, Марғиноний, Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Машраб ва бошқаларнинг юбилейлари кенг нишонланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон халқининг асосий ва бош ғояси, эзгу мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдир. Мана шу ғояда миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик тамойиллари, халқимизнинг урф-одатлари, удумлари, маросимлари, миллий ғурури мукаммал давлат тузуми тўғрисидаги фикр-ўйлари ва қарашлари ўз ифодасини топган. Бу ғояларнинг илдизлари ва манбалари узоқ даврларга бориб шу ғоявий манбаларни холисона тушунтириб бериш, халқ орасида ташвиқ ва тарғиб қилиш халқнинг онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, бу кичик мақолада бой фалсафий ва маънавий меросимиздаги мавжуд миллий ва умуминсоний инсонпарварлик ғояларининг ҳамма томонларига тўхталишнинг сира ҳам иложи йўқ. Масалан, биргина касб-ҳунар билан боғлиқ бўлган хулқ-одоб қоидалари, яъни касбий ахлоқни олайлик. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтилаётган мураккаб бир даврда, ўйлашимизча, турли касб эгаларининг муайян хулқ-одоб қоидасига амал қилиши лозимлиги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳолбуки, салафларимиз бу борада қимматли ва ҳозир ҳам биз учун ибратли бўлган фикрларни айтиб қолдирганлар. Ўтмиш донишмандлари билим, ахлоқ ва касб-ҳунарнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаш билан бирга, ҳар бир касб маълум хулқ-одоб қоидаларига асосланиши лозимлигини уқтирганлар «Билгилким, — дейди ҳазрат Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий, — ҳамма касбларга бирдай тааллуқли қисқача қоида-одоблар мавжуд, шунингдек, ҳар бир касб учун алоҳида одоб ҳам бор». Олимларнинг таъкидлашича, бирон касбни эгалламоқчи бўлган одам, энг аввало, ҳалол касбни танлаши, мақсади фақат мол-дунё тўплаш эмас, балки халқнинг ҳожатини чиқариш, инсофли, диёнатли бўлиш, ўзгаларнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, фирибгарлик билан шуғулланмаслик даркор.

Мутафаккирлар рисолаларида касб эгалари, тадбиркорлар, тижоратчилар, табиблар, мударрислар, муфтийлар, миршаблар ва бошқаларнинг маънавий қиёфаси, хулқ-одоби ҳақида эътиборга молик фикрлар кўплаб топилади. Буюк мутасаввуф Баҳоуддин Нақшбанднинг хизмати шундан иборатки, «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Дилинг оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деб тарки дунёликни рад этдилар, сўфий, дарвешларни бирор касб билан шуғулланишга, бошқаларга меҳр-шафқат қилишга даъват қилдилар. Бу борада ўзи намуна кўрсатиб, бир парча ерида деҳқончилик билан машғул бўлди, матоларга нақш бериш унинг касбига айланди.

Ҳазрат Навоий табиблар хулқ-одоби ҳақида сўз юритиб, улар илмли, маҳоратли, беморларга нисбатан ширинсухан, юмшоқ феълли бўлиши зарурлигини уқтиради. «Табиб агар касбида моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, агарчи касалга бир томондан даво қилур, аммо неча томондан касалнинг мижозига ўзгариш киргизур. Лекин саводсиз табиб жаллод шогирдидур, у тиғ билан, бу заҳар билан азобловчидир», — дейди адиб «Маҳбубул қулуб» рисоласида. Бу фикрларнинг истиқлол шароитида ҳам ўз ҳаётийлигини йўқотмагани кўриниб турибди. Сир эмаски, бизнинг кунларимизда ҳам ўз ишининг моҳир устаси бўлган табиблар билан бир қаторда табиблик хулқ-одобига риоя қилмайдиган, қўпол, жоҳил ва нодон табиблар ҳам тез-тез учраб турибди. Шунинг учун талабаларга Ибн Сино, ар-Розий ва бошқа кўплаб донишмандларнинг табиблик хулқ-одоби, уларнинг муносабати ҳақидаги фикрлари сингдириб борилса, кенг ташвиқ қилинса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шунингдек, алломаларнинг тижоратчи, тадбиркор, савдогарлар ва уларнинг хулқ-одоби ҳақидаги фикрлари ҳам ҳозирги замонда эътиборга моликдир. Улар тижоратчи ва мулкдорларни ҳалол ва пок бўлишга, халқни алдамасликка, ярамас воситалар билан бойлик орттиришга ружу қўймасликка, жамиятга, бева-бечораларга, муҳтожларга ёрдам беришга, саховатли бўлишга чақирганлар. Тарихимизда бундай саховатпеша зотлар кўп бўлган. Масалан, Хожа Аҳрорнинг махсус ер майдони бўлиб, ундан олинган ҳосилни камбағалларга улашиб турган. Навоий эса ўз даромадини мактаб, мадраса, масжид ва карвонсарой қурилишига сарфлаган ва ҳ.к.

«Қобуснома»нинг муаллифи Кайковус тижоратчилик ва савдогарлик ақлни ишлатишни, тадбиркорликни талаб қилишини, «савдогар омонат ва тўғриликни ўзига одат қилиши зарур, ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмаслиги керак», — дейди. Абдулла Авлоний эса тадбиркорлик ва тижоратни мамлакат тараққиёти ва қудрати, миллат равнақи ва фаровонлиги билан боғлайди. Қолоқликнинг сабабини у жоҳиллик, қонун-қоидага бўйсунмаслик ва интизомсизликда кўради.

Олим фикрича, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун «Илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур». Ҳозирги даврда қинғир йўллар билан пул топишга, харидорларни алдашга, тарозудан уриб қолишга интилувчи, нопок ишлар билан шуғулланувчи тижоратчи ва савдогарлар учраб туришини ҳисобга олсак, салафларнинг юқоридаги фикрлари нақадар долзарб эканлигига амин бўламиз.

Бундай фикрлар Қуръон ва ҳадисларда, халқ оғзаки ижодида, бадиий адабиётда, фалсафий ва диний-тасаввуфий манбаларда кўплаб топилади.

Бизнинг назаримизча, ўрта асрларда ва кейинги даврлардаги ёзма манбаларда касбий ахлоқ тўғрисидаги қимматли фикрлар, турли косиб ва ҳунармандларни комилликка ундовчи ибратомуз сўзлар, панд-насиҳат ва ўгитлар турли касб эгаларини ҳалол ва пок бўлишга, меҳнат аҳлини чуқур билим эгаллашга, ўз касбининг моҳир устаси, инсоф ва диёнатли, виждонли бўлишга чақиради. Бу эса пировард натижа замон талабига тўғри келадиган мутахассисларни тайёрлаш ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хуллас, ўтмишдаги буюк донишмандларнинг инсонпарварлик ғоялари, фалсафий ва маънавий-ахлоқий қарашлари, уларнинг таълим-тарбия, комил инсон, хулқ-обод ҳақидаги қоидалари миллий истиқлол ғоясини халқ онгига сингдиришда, миллий мафкуранинг шаклланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

■ **Ҳ. АЛИҚУЛОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

# КАСБИЙ АХЛОҚ

## ҲАҚИДА САЛАФЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МАФКУРА ТАКОМИЛИДАГИ ЎРНИ

# САМОДАГИ «ЛОЧИНЛАР»



*28 январда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 9 ёшга тўлади. Ҳукумат мадади, авиакомпания раҳбарияти ва жамоасининг саъй-ҳаракати туфайли қисқа муддат ичида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» жаҳон авиация бозорида наинки мавқе эгаллади, балки ишончли ҳамкор сифатида ҳам эътироф этилди. Йўловчиларнинг миллий авиакомпания қатновларидан кўпроқ фойдаланаётгани ҳам бежиз эмас. Чунончи 9 йил давомида 17,5 миллион йўловчига хизмат кўрсатилди. Жаҳоннинг 24 мамлакатига мунтазам қатновлар амалга оширилмоқда. Олис хорижнинг 20 шаҳрида ва МДҲнинг 18 шаҳрида авиакомпания ваколатхоналари фаолият кўрсатаяпти.*

*Мустақиллик йилларида авиатранспорт тизимининг барча бўғинларида ислоҳотлар амалга оширилди. Самолётлар парки Ғарбда ишлаб чиқарилган «А-310», «Боинг-757 ва 767», «RJ-85» сингари энг замонавий қулай самолётлар билан янгиланди. Ҳаводa ҳаракатни бошқариш тизими такомиллашди, мамлакатнинг асосий сайёҳлик марказлари — Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортлари жаҳон андозаларига мос равишда қайта қурилди. Бу эса диёримизга сафар қилиш ниятида бўлган кўплаб хорижлик ишбилармонлар ва сайёҳларнинг йўлини яқин қилиш имконини яратди. Бир сўз билан айтганда, бу Буюк ипак йўлини самода тиклашга қўшилган муносиб ҳиссадир. Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларни ўзимизда, ўз кучимиз билан таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Бу эса анчагина валюта маблағларини тежайди. Энг муҳими, ўзбек мутахассисларининг салоҳияти яна бир карра намоён бўлди.*

*Маълумки, жаҳондаги барча авиакомпаниялар каби «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳам парвозлар хавфсизлиги ва қулайлигига асосий эътиборни қаратмоқда. Бу борада Авиация хавфсизлиги халқаро жамғармасининг «Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги хизматлари учун» махсус дипломига сазовор бўлинди. 2000 йил ёзида эса миллий авиакомпания раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Арслон Рўзметов ҳам авиация хавфсизлигига қўшган ҳиссаси учун шундай мукофот билан тақдирланди. Европанинг нуфузли «SMRC» қўмитаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари»ни авиабизнесда эришган ютуқлари учун «Евромаркет-2000» соврини билан мукофотлади.*

*Дарвоқе, кейинги пайтда пойтахтимиз «Тошкент» аэропортидан парвоз этаётган ҳар бир йўловчи нигоҳини янги шинам автобуслар ва бошқа қулай техникалар ўзига тортади. Бу ҳам давлатимиз мададида миллий авиакомпания амалга оширган дастур мевасидир.*

*2000 йилда 1999 йилга нисбатан 4,8 фоиз кўп, яъни 1 миллион 800 минг йўловчи ташишга эришилди.*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпания жамоаси жаҳон авиация бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, парвозлар географиясини кенгайтириш, йўловчиларга самода ҳам, ерда ҳам хизмат кўрсатишнинг жаҳон андозасига мос бўлган сервиснинг аниқ ҳаракатлар стратегиясига эга.*

*Ватанимиз қанотлари қайрилмас, парвозлари баланд бўлсин!*

ҚУТЛОВ

■ **Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

ИЛМ — ЎЗЛИКНИ БИЛМАКДИР



# ШУ МУКАРРАМ ЮРТ...

Аграр соҳадаги йирик институтлардан бири Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида бугунги замон талаби, яъни кадрлар ва менежментларни жой-жойига қўйиш, ўз билим, иқтидорига таянган мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Ўқитишнинг замонавий техник воситалари ва компьютерлар билан жиҳозланган лабораториялар, ўқув хоналари, тажриба-синов далалари талаба хизматида. Институтда китобларга бой кутубхона, барча қулайликларга эга спорт мажмуи, талабалар ансамбли, маънавият ва маърифат маркази, ётоқхона, тиббий-профилактик соғломлаштириш маскани, ошхоналар ишлаб турибди.

Институтда ёш илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Ўтган йиллар давомида 100 дан ортиқ докторлик ва 400 га яқин номзодлик диссертациялари тайёрланган ва ҳимоя қилинган. Илмий кадрлар изланиши натижасида кейинги йилларда бошоқли экинларнинг ҳосилдор, эртапишар, маҳаллий иқлим шароитларга чидамли 7 та, картошканинг 3 та, нутнинг 2 та навлари, қоракўл қўйларнинг 3 завод типи, 4 та самарали ветеринария дори-дармони, 7 та янги механизм яратилди ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаяпти. Бундан ташқари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан 100 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмалар, монографиялар, 120 та илмий-амалий тавсиялар чоп этилди.

Ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Голландия, Германия, Польша сингари хорижий давлатлар билан мустаҳкам илмий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Назарий-амалий йўналишлар — қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, серҳосил, истиқболли экин навларини, уларнинг изчил агротехникасини яратишга, машина-агрегатларнинг юқори қувватли, унумли турларини ишлатиш йўллари, ҳисоб-китоб, ишларини такомиллаштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Буларнинг барчаси фидойиликни, изланувчанликни талаб этади, раҳбар зиммасига катта масъулият юклайди.



— Ҳар томонлама юксак даражада шаклланган, миллий мафкурамизнинг илдизларини ҳамда бозор иқтисодининг туб моҳиятини англаб етадиган, оила, маҳалла, Ватани учун сидқидилдан меҳнат қиладиган, эътиқоди бут кадрлар тайёрлаш олдимизда турган энг долзарб вазифамиздир, — дейди институт ректори, биология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Эргашев.

Дарҳақиқат, институтнинг тажрибали, маърифатпарвар ўқитувчи- мураббийлари ҳам айнан шу йўлда меҳнат қилишаяпти. Профессорлардан Н.Санаев, Ф. Жўраев, сиёсий фанлар доктори Ж. Баҳрамов, шунингдек, Д. Абдукаримов, Т.Останқулов, Т.Хўжақулов ҳамда Куббаро Баҳрамоваларнинг хизматлари таҳсинга сазоводир.

Мамлакатда йирик қишлоқ хўжалик академиясига айланаётган бу масканнинг эзгу умидлари, тадқиқотлари фақатгина шу мукаррам Ватан истиқболи учундир.

■ **Мусаллам УМИРОВА,**
**Комилжон ҚИЁМОВ**

*Суратларда:*

*1. Ўқув-ўқитув жараёнидан лавҳалар.*

*2. Институт ректори, профессор Абдуқодир Эргашев келажак режалар хусусида сўзламоқда.*

## БОЛАЛАРГА СОВҒА

Тўрткўллик ўқувчилар Оналар ва болалар йили бошидаёқ ўзига хос совға олишди. Туманда чет тилларни ўрганиш «Умид» маркази иш бошлади. Туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими бошлаган хайрли ишни 1-қурилиш монтаж бошқармаси раҳбари Қ.Авезматов, 1-машина-трактор саройи бошлиғи Н.Ҳасановлар ҳомийлик тариқасида рўёбга чиқардилар. Улар бинони таъмирлаб, мебель ва зарур жиҳозлар билан тўлдиришди. Муҳими, қобилиятли ўқувчилар тил ўрганиш борасида мактаб дастурига қўшимча тарзда чуқур билим олиш имконига эга бўлдилар. Келажакда Нукусдаги «Прогресс» тил ўрганиш маркази билан ҳамкорлик қилиш ва мутахассисларни жалб этиш режалаштирилган.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## 12 ЁШЛИ СОВРИНДОР

Жиззахлик ёш шахматчи Юлдуз Ҳамроқулова Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё шахсий биринчилиги мусобақаларида 12 ёшли шахматчилар орасида бронза медалига сазовор бўлди.

Ёш шахмат юлдузи энди Испанияда бўладиган жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмани қўлга киритиш учун бўладиган мусобақага пухта ҳозирлик кўрмоқда.

■ **Нозимахон АСҚАРОВА**

ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Асака шаҳар кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Асака шаҳар партия ташкилотининг биринчи котиби вазифасида ишлаб келган Зуҳра Бозорбоева, шаҳар ҳокимининг ўринбосари этиб тайинланганлиги муносабати билан, ўз вазифасидан озод этилди. Шуҳрат Каримов ХДП Асака шаҳар кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

* * *

ХДП Ғаллаорол туман кенгаши пленумида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган янги қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда, бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленумда Оналар ва болалар йилида туман партия ташкилоти томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

* * *

ХДП Шароф Рашидов туман кенгашининг ташкилий пленумида Сарабек Холмуродов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Пленум ишида ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби Д.Кулматов ва Гулистон шаҳар ҳокими Ў. Кенжаев иштирок этдилар.

* * *

ЎзХДП Жалақудуқ туман кенгаши пленуми 2000 йилда амалга оширилган ишлар якунлари ва бошланғич партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари ҳақидаги масалага бағишланди.

* * *

ХДП Марҳамат туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинарини ўтказди.

* * *

Жондор туман партия кенгашининг, 2001 йилдаги вазифаларни белгилашга бағишланган, йиғилишида бир гуруҳ партия фаолларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ХДП Каттақўрғон туман кенгашида, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган, йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

Шунингдек, ушбу мавзуга бағишланган тадбирлар Оқолтин, Ўзбекистон, Хўжаобод партия кенгашлари томонидан ҳам уюштирилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши ўтказган «Котиблар соати»да ички партиявий масалалар муҳокама қилинди ҳамда туман партия кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этишга оид, чора-тадбирлари белгиланди.

* * *

Худди шундай йиғилишлар, шунингдек, Бувайда, Учкўприк, Ёзёвон туман кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

* * *

ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Мулоқот» сиёсий мунозара клубининг навбатдаги машғулоти Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланди. Унда Янгиер шаҳар қурилиш-иқтисодий коллежи талабалари, олимлар, ижодкорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Йиғилиш қатнашчиларида навоийшунос олим Рауф Мажидовнинг маърузаси ва ёш ижодкорларнинг, Алишер Навоий ғазаллари билан айтилган, қўшиқлари катта таассурот қолдирди.

* * *

ХДП Урганч шаҳар кенгашининг тарғибот-ташвиқот гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги, Фармойишини бажариш юзасидан, маҳаллаларда учрашувлар ўтказмоқдалар. Бу ишни амалга оширишда уларга шаҳар кутубхонасида меҳнат қилаётган партия фаоллари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

* * *

Ўзбекистон ХДП Пахтаобод туман кенгаши қошидаги «Ёшлар клублари» ассоциацияси, «Ёшлар ва жамият» мавзуида, туман халқ таълими бўлимида ишлаётган ёш ўқитувчилар билан, «давра суҳбати»ни уюштирди. Йиғилишда, туман миқёсида, «Ёшлар овози» кўрик-танловини ўтказиш ҳамда ёш ўқитувчиларни ижтимоий муҳофазалаш масалалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Чортоқ тумани 45-ўрта мактаб ўқитувчиси, ХДП аъзоси Абдуллажон Давлатовнинг ташаббуси билан, тумандаги барча мактаб ва коллежларда, ўқувчилар ўртасида тамаки чекувчиларга қарши кураш муаммосини ёритиб берадиган, расмлар танлови ўтказилмоқда. Февраль ойининг биринчи ўн кунлигида туман партия ташкилоти мазкур мавзудаги расмлар кўргазмасини ташкил этади.

* * *

Поп тумани партия кенгаши ёшлар ўртасида спорт билан шуғулланиш масаласига катта аҳамият бермоқда. Бу ерда унинг ҳомийлигида, ёшлар орасида, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

* * *

ХДП ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ташаббуси билан ташкил этилган, «Огоҳлик — давр талаби» мавзуидаги, учрашувлар Наманган вилоятининг Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида давом этмоқда.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**


# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**вакант лавозимларига танлов эълон қилади:**

Араб филологияси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин, ўқитувчи, 1 ўрин.

Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, ўқитувчи, 2 ўрин.

Инглиз тили кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Эрон-афғон филологияси кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.

Туркиёт кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.

Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси, профессор, 1 ўрин.

Марказий Осиё мамлакатлари иқтисоди кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Шарқ тиллари кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Жанубий Осиё тиллари кафедраси, доцент, 1 ўрин.

Педагогика ва шарқ тиллари методикаси кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Исломшунослик кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси, доцент, 1 ўрин.

Корейс филологияси кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.

Инглиз тили кафедраси (№2), катта ўқитувчи, 2 ўрин.

Узоқ Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин.

Жисмоний тарбия кафедраси, кафедра мудири, 1 ўрин.

Ижтимоий фанлар кафедраси, доцент, 1 ўрин.

***Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.***

**ҲУЖЖАТЛАР:**

**1. Ректор номига ариза.**

**2. Шахсий варақа.**

**3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида аттестат.**

**4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.**

**700047. Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25. Телефон: 133-44-36**

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ

# Усмонхон — қатағон қурбони


Бу сурат биринчи бор нашр юзини кўрмоқда

Бу сиймо «Ўзбекистон овози»нинг ўтмишдоши «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ташкилотчиси ва биринчи муҳаррири, ўзбек миллий матбуоти асосчиларидан бири Усмонхон Эшонхўжаевдир.

Республика, вилоят матбуотида, рисола ва китобларда, журналлар, буклетларда, телевидение, радио тўлқинларида бу зот тўғрисида кўпдан-кўп маълумотлар берилган. Аммо бу инсон фаолиятининг айрим қирралари ҳали очилмаган эди. Президент И. А. Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори бу каби муаммоларни ҳал қилиш учун кенг имкониятлар яратди. Биз ҳам бу имкониятга шукрлар билдириб, изланишларни бошлаб юбордик. Бироқ Усмонхон Эшонхўжаевнинг отилиши тафсилотини ёритувчи унинг шахсий ишини топа олмадик. Суриштиришлар, ёзишмалардан сўнг бу иш Қозон шаҳридаги миллий хавфсизлик хизмати архивида сақланаётгани маълум бўлди. Республика «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси раиси, профессор Наим Каримов билан биргаликда Россиянинг Қозон Миллий хавфсизлик бўлими архивидан У.Эшонхўжаев ишини сўрадик. Ўша янги маълумотлар ҳам бугун илк бор эълон қилинмоқда.

Усмонхон Эшонхўжаев 1937 йил 15 августда Қозон шаҳрида НКВД бўлими томонидан ҳибсга олинди. 25 августда анкета тўлғазилди; 1899 йил 14 октябрда Андижон шаҳрида туғилган, яшаш манзили — Қозон шаҳри, Большая Галактианская кўчаси, 3-уй, 74-хона, касби — педагог, хизмат жойи ва лавозими — Қозон темир йўли сиёсий бўлим курслари мудири, ижтимоий келиб чиқиши — пахтакор ўғли, отасининг 10 гектар ери, 2-3 оти, ёлланма ишчиси бўлган, 1910 йили вафот этган, ўзи инқилобга қадар ўқитувчи, уйларда муаллимлик қилган, инқилобдан сўнг рус-тузем мактабини, олий бошланғич билим юртининг 4-синфини 1916 йили тугатган, Андижонда 2 йил гуманитар ўрта мактабда ўқиган, 1920 йили Москвада Коммунистик университетни тамомлаган, 1925 йилдан 1930 йилгача Москвада Қизил профессорлар институтида ўқиган, фалсафа бўлимини тугатган.

Партиявийлиги — 1920 йилдан ВКП (б) аъзоси, 1936 йили ВКП(б) Марказий Комитетининг 1934 йил 13 майдаги хатини бузганлиги учун ҳайфсан берилиб огоҳлантирилган, қамоққа олиниши арафасида Қозон темир йўл сиёсий бўлими томонидан 1937 йил 1 августда партия билети олиб қўйилган, миллати ўзбек, аввал репрессия қилинмаган, оила таркиби: хотини Костина Ольга Дмитриевна, 1909 йили туғилган, темир йўли мактабида муаллима, қизи Шарофат 13 ёшда, ўғли Мухтор 4 ёшда.

1937 йил 14 июлда Тошкент шаҳрида НКВДнинг вакили, Усмонхон Эшонхўжаевни йирик савдогар ўғли, «Миллий иттиход» аксилинқилобий, миллатчи ташкилотнинг собиқ аъзоси, 1923 йилдан 1930 йилгача троцкийчилик, миллатчилик платформасида турган қатор антипартиявий гуруҳларни бошқаргани, кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказқўми котиби Акмал Икромовга қарши террорчилик акти тайёрлагани учун ЎзССР Жиноят Кодексининг 66,1-банди, 67-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида қарор тайёрлади. Шундан сўнг Усмон Эшонхўжаевни қамоққа олиш қарори чиқди. Республика прокурори санкция берди. Москвада яшаётган Усмонхон Эшонхўжаевни қамоққа олиб, уни Тошкентга келтириб ЎзССР НКВД қамоқхонасига топширишга қарор қилинди. Аммо у Москвада эмас, Қозон шаҳрида яшаётганди. Шу жойда у қамоққа олинди.

1937 йил 13 октябрда Қозон турмасидан Тошкент турмасига келтирилди.

Ниҳоят, 1937 йил 1 ноябрда У. Эшонхўжаев Тошкентда биринчи бор тергов қилинди, мана уни айтганларидан: «Мен 1918 йилдаёқ Андижон шаҳрида аксилинқилобий кайфиятдаги буржуа зиёлилари — муаллимлар (Шамси Нажимов, Ҳусанхон Ниёзов ва бошқалар)нинг ўзбек ёшларини антисовет, миллатчи йўналишида тайёрловчи гуруҳга кирганман.

1920 йилга қадар мен бу аксилинқилобий гуруҳнинг бошқа аъзолари билан биргаликда фаол аксилинқилобий тарғибот олиб бордим. Менинг аксилинқилобий фаолиятимнинг навбатдаги босқичи аксилинқилобий миллатчи «Миллий иттиход» ташкилоти таркибида кечди...

Мен Хидиралиев, Раҳимбоев, Тўрақулов ва бошқалар уйида бўлиб турган «Миллий иттиход» аъзоларининг яширин йиғилишларида иштирок этганман. Бу кенгашларда аксилинқилобий фаолиятнинг амалий масалалари муҳокама қилинарди...

Колхоз қурилишида мен колхозларни бузилиши йўналишида иш олиб бордим, қуруқдан-қуруқ маъмуриятчиликка йўл бериб деҳқонларни зўрлик билан колхозга ҳайдадимки, бу масаладаги партия кўрсатмасини онгли равишда саботаж қилишимни билдирарди. Бундай зараркунандачилик амалий деҳқонларнинг норозилигини келтириб чиқарар ва деҳқонлар уй ҳайвонларини сотиб йўқотишга зўр берардилар, оқибатда ҳайвонлар сонини қисқартириши юз берарди».

1937 йил 16 декабрда унинг иши бўйича айблов хулосаси тайёрланди: «Усмонхон Эшонхўжаев Москва ўқув юртларидаги ўзбек талабалари, ўқувчилари орасида советларга қарши миллатчи ташкилот тузиб, уни бошқаргани, бу ташкилот ўз олдига Ўзбекистондаги антисовет, миллатчи ташкилот учун ёш миллатчи, аксилинқилобий ходимлар тайёрлаш вазифасини қўйган. У. Эшонхўжаев бошқарган ташкилот 1925 йилдан 1931 йилгача ўзбек талабаларини ҳам якка тартибда, ҳам Москвадаги ўзбек талабаларини турли тўгарак, клубларида антисовет мафкуравий тарбиялашга раҳбарлик қилишни ўз қўлига олган.

1929-1931 йилларда Усмонхон Эшонхўжаев бирлашган марказ иштирокчилари Файзулла Хўжаев, Хўжанов ва Абдулла Раҳимбоевлар билан ташкилий алоқа ўрнатган, улар билан ташкилотнинг антисовет фаолияти масалаларини муҳокама қилган ва совет ҳокимиятига қарши курашнинг ягона йўлини белгилаган.

1934 йили бирлашган марказнинг (Рисқулова, Раҳимбоев) кўрсатмаси бўйича Эшонхўжаев ВКП (б) Қорачаева обкоми котиби бўлиб ишлаб турганида Қорачай миллатчилари вакиллари Айвазовлар (Ижроқўмнинг собиқ раиси) билан ҳамкорликда колхоз қурилишида диверсия олиб борган, партия кўрсатмасини онгли тарзда саботаж қилган, деҳқонлар норозилигини келтириб чиқарадиган қуруқ маъмуриятчиликка йўл қўйган. Қорачаев партия ташкилотида тозалов ўтказишни йўққа чиқарган, партияга душман бўлган миллатчи ва зараркунанда унсурларни фаол ҳимоя қилиб чиққан.

1935-1937 йилларда Кагановproperties номидаги темир йўли сиёсий бўлими Красноуфим бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Усмонхон Эшонхўжаев СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан кўриб чиқилиши ва унга нисбатан 1934 йил 1 декабрдаги қонунни қўллаш зарур». Аммо бу айблов хулоса вақтинча кучга кирмай қолди.

Бундай терговлар жуда кўп бўлди. Терговнинг ҳаммаси баённомаларда ифодаланмаган ва расмийлаштирилмаган. Аксарият маҳбуснинг зиёнига, терговнинг фойдасига хизмат қилган терговгина баённома тарзида расмийлаштирилган. Ахир У.Эшонхўжаев юқорида айтганимиздек, Қозондан Тошкентга 1937 йил 13 октябрда келтирилган. Шундан то 1938 йил 4 октябргача бўлган вақт ичида уч марта, яъни 1937 йил 1 ноябрда, 1938 йил 21 сентябрда ва 2 октябрда тергов қилиниб, унинг баённомаси сақланиб қолган.

1938 йил 21 сентябрдаги терговда унга «Аксилинқилобий ташкилотда иштирок этганингиз ва аксилинқилобий фаолият олиб борганингиз ҳақидаги аввалги кўргазмаларингизни тасдиқлайсизми?» деган савол берилган. Маҳбус шундай жавоб қилган: «Тергов чоғида мен аксилинқилобий ташкилотдаги иштироким тўғрисида, ҳамда 1923 йилдан бошлаб қатор йиллар давомидаги аксилинқилобий ишим ҳақида батафсил кўргазма берганман. Бу кўргазмаларни яхлит ва тўлалигича тасдиқлайман ва ҳозирги вақтда маълум қиламанки, мен охиригача тўғри ва ҳаққоний бўлишга қарор қилганман. Мен янги партия ва совет ҳокимияти олдидаги ўзимнинг аксилинқилобий жиноятларимни қоралайман. Мен партия ва совет ҳокимияти органларини иккиюзламачилик билан алдадим, чиндан ҳам қамоққа олингунимга қадар кўргазмамда таъкидланган аксилинқилобий иш олиб борганман. Мен томонидан оғир аксилинқилобий жиноятлар қилганимга иқрорман ва менинг афсусланишимни эътиборга олиб, менинг қисматимни юмшатишни сўрайман. Баённомани ўқиб чиқдим, менинг сўзларим тўғри ёзиб олинган. Усмонхон Эшонхўжаев».

1938 йил 2 октябрда Ўрта Осиё ҳарбий округи ҳарбий прокурори ҳамда НКВД ходими айбланувчи Усмонхон Эшонхўжаевни тергов қилди.

«Савол: сиз аксилинқилобий, миллатчилик фаолиятингиз тўғрисида 1937 йил 1 ноябрдаги терговда берган кўргазмангизни тасдиқлайсизми?

Жавоб: 1937 йил 1 ноябрда ўзимнинг ва бошқа шахсларнинг аксилинқилобий, миллатчилик фаолиятим тўғрисида батафсил ҳолатда берган кўргазмаларимни тасдиқлайман.

Савол: терговга сизнинг эътирозингиз борми?

Жавоб: Терговга ҳеч қандай эътирозим йўқ. Баённома менинг сўзларимдан тўғри ёзиб олинган ва уни ўқиб чиқдим. Шу ҳақда имзо чекаман. Усмонхон Эшонхўжаев».

Айблов хулосасига кўра У. Эшонхўжаев жиноят кодексининг тегишли бандлари билан айбланди.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилиши Тошкентда 1938 йил 4 октябрда бўлди. У маҳбус Усмонхон Эшонхўжаевни отувга ҳукм қилди. Ҳукм ўша куни кечқурун ижро этилди. Шунда у 39 ёшга тўлганди.

1957 йил 1 августида СССР Олий суди томонидан Усмонхон Эшонхўжаев реабилитация қилинди.

Ҳозирда унинг пок номи Андижонда абадийлаштирилган. Вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти унинг номи билан аталади. Бу сиймонинг истиқлол учун кураши Ўзбекистоннинг янги тарихидан муносиб ўрин олган.

■ **Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**
**профессор**
**Андижон.**

XORIJDA

## ҲАРБИЙ КУЧЛАРГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик кенгашидан Ливандаги халқаро тинчликпарвар кучлар сонини қисқартиришни сўради. Ҳарбийлар белгиланган вазифаларни деярли бажариб бўлди. Энди Ливанда катта миқдордаги ҳарбий кучларни сақлашга ҳожат йўқ, деди К. Аннан.

Халқаро тинчликпарвар кучлар Ливан жанубидан Исроил қўшинларини олиб чиқилишини назорат қилиш мақсадида ушбу мамлакатга киритилган эди.

## РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Конго Демократик Республикаси парламенти ҳукуматнинг генерал Жозеф Кабила мамлакат президенти лавозимини эгаллаши ҳақидаги таклифини маъқуллади. Шунингдек, парламент марҳум президент Лорана-Дезире Кабилани «халқ отаси» деб эълон қилиш ҳақида резолюция қабул қилди.

## ЖИНОИЙ ИШ ҚЎЗҒАТИЛГАН

Филиппин адлия вазирлиги собиқ президент Жозеф Эстрада ва унинг яқинларини хорижга чиқишини тақиқлаб қўйди. Коррупцияда айбланаётган собиқ раҳбар устидан ҳозир жиноий иш қўзғатилган. Шу сабаб, улар мамлакатдан четга чиқмаслиги лозим, деди адлия вазири Эрнандо Перес.

«ЎЗАВТОТЕХХИЗМАТ»
акциядорлик бирлашмаси
Сизнинг узоғингизни яқин қилиб, вақтингизни тежайдиган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган
«Нексия», «Дамас» ва «Тико» АВТОМОБИЛЛАРИНИ
вилоятлардаги ўзининг барча автосалонлари орқали
ИМТИЁЗЛИ НАРХЛАРДА
олдиндан ҳақини тўлаш усули билан харид қилишга чорлайди. Сизлар тез кунларда ўз автомобилингизнинг эгаси бўлишингизга кафолат беради.
Автомобиль ишқибозлари барча вилоятлардаги ҳудудий «АВТОТЕХХИЗМАТ» корхоналарига мурожаат этишлари мумкин.
АВТОСАЛОНЛАРИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!
Маълумот учун телефонлар:
98-47-33, 98-49-97, 98-46-64, 60-43-05,
54-77-71, 58-33-59, 57-75-70, 79-46-67.
«ЎЗАВТОТЕХХИЗМАТ»
акциядорлик бирлашмаси



